

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ**

**“Тасдиқлайман”
ГулДУ проректори
_____ (имзо) Х.Х. Қўшиев
“ ___ ” _____ 2017й**

**“Адабиётшунослик назарияси”
Ишчи ўқув дастури**

Билим соҳаси:	100000- гуманитар фанлар ва санъат
Таълим соҳаси:	120000- гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5120100 - Филология (ўзбек филологияси)

ГУЛИСТОН – 2017

Фанни ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчи: Мирхайдаров Ҳ.Р. – Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси дотсенти, филология фанлари номзоди _____(имзо)

Тақризчи: Раҳимжонов Н. Р. – ЎзР ФА профессори, филология фанлари доктори _____(имзо)

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедрасининг 2017-йил “27”-августдаги 1-сонли мажлисида кўриб чиқилиб, факультет Илмий-услубий кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

Кафедра мудири: **доц. Ф.Шарипов**

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Педагогика” факультети Илмий-услубий кенгашининг 2017-йил “28”-августдаги “1”-сонли мажлисида тасдиқланди.

**Факультет илмий-услубий
Кенгаши раиси:**

Келишилди:

**Ўқув ишлари бўйича ректор
ўринбосари в.б.:**

проф.Х.Х.Қўшиев

Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимооти

№	Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мавзуси	Соатлар	
		Жами	Маъруза
1.	Кириш		2
2.	Санъатнинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, турлари		2
3.	Адабиёт – сўз санъати		2
4.	Бадиий образ		2
5.	Бадиий асарда шакл ва мазмун бирлиги		2
6.	Бадиий асарда мавзу ва ғоя		2
7.	Сюжет ва композиция		2
8.	Тил ва адабиёт		2
9.	Бадиий ижод турлари		2
10.	Эпик тур ва унинг турлари		2
11	Драматик тур		2
12.	Ижодий метод ва услуб		2

Семинар машғулотлари мавзулари

№	Мавзулар	Кўриладиган масалалар	Вақт
---	----------	-----------------------	------

1.	Жаҳон шеър тизими	1. Метрик тизим 2. Силлабик тизим 3. Тоник тизим 4. Силлабо-тоник тизим	2
2.	Шеършунослик асослари	1. Шеъринг нутқнинг асосий хусусиятлари 2. Шеърнинг асосий компонентлари: а) ритм б) банд тузилиши	2
3.	Қофия тузилиши	1. Қофиянинг товуш тузилиши (график қофия) 2. Қофиянинг банддаги ўрнига кўра турлари 3. Қофиянинг шакли кичик лирик жанрга асос бўлиши	2
4.	Бармоқ шеър тизими Бармоқ тузилишининг асосий хусусиятлари	1. Тизимда бўғин 2. Тизимда туроқ 3. Тизимда туркум	2
5.	Бармоқ тизимида содда вазн Қўшма вазн хусусиятлари	1. Вазн тушунчаси 2. Содда вазн хусусиятлари 3. Содда вазнда туркум 1. Қўшма вазнда туроқ 2. Қўшма вазнда туркум 3. Қўшма вазн – аралаш вазнга асос	2
6.	Эркин вазн ва сарбаст шеър	1. Эркин вазнда бўғин ва туроқ 2. Эркин вазнда туроқ 3. Сарбаст вазн хусусиятлари	2
7.	Поэтик кўчимлар	1. Ўхшаш кўчимлар 2. Қоришиқ кўчимлар 3. Зидловчи кўчимлар	2
8.	Поэтик синтаксис	1. Интонация 2. Поэтик фигуралар 3. Пасайтирувчи фигуралар	2

Амалий машғулот мавзулари

№	Мавзулар	Кўриладиган масалалар	Вақт
1.	Санъатнинг келиб чиқиш тарихини талқин қилувчи назариялар хусусида		2
2.	Адабиётшунослик методологияси		2

3.	Поэтик нутқ		2
4.	Эпик тур. Роман жанри баҳси		2
5.	Бадиий образ ва прототип		2
6.	Замонавий ва тарихий романлар		2
7.	Шеърятда образлилик		2
8.	Қофия ва вазн		2

КИРИШ

Мазкур фан университетнинг кундузги бўлим ўзбек филологияси йўналиши талабаларининг “Адабиёт назарияси” курси бўйича олиб бориладиган мустақил ишлари, амалий машғулотлари, оғзаки сўров ва бошқа машғулотларига тайёргарлик кўришда йўл-йўриқлар кўрсатишга мўлжалланган. Унда талабаларга адабиёт назарияси тарихи ва унинг тараққиёт босқичлари, бадиий адабитда адабий-назарий тушунчаларнинг шаклланиши, адабий-назарий қарашларнинг тарихий тараққиёти, мустақил топшириқларга тайёрланишида муҳим баъзи методик кўрсатмалар билан бирга ана шу масалаларни мукамал ўрганишда ёрдам берадиган адабий-назарий асл манбалар ўрганилади.

Талабалар бу фанни ўрганиш орқали адабиёт тарихи, ҳозирги адабий жараён, адабиёт назарияси, адабий танқид, матншунослик, бадиий асарнинг таркибий қисмлари, адабий тур ва жанрлар, адабиёт ва ижтимоий ҳаёт, ижодий услублар, ижодкор услуби бадиий образ, адабий қаҳрамон, бадиий санъатлар кабилар тўғрисида маълумотга эга бўладилар.

Мазкур фан фалсафа, тарих, этика ва эстетика, санъатшунослик йўналишидаги фанлар билан узвий боғланган.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Курснинг мақсади: Бадиий адабиётни назарий қонун қоидаларини ўрганиш, тараққиёт йўналишлари, тарихий-адабий жараён ва ижодкор аҳлининг адабиёт ҳақидаги фикрларини таҳлилу талқин қилишдан иборатдир.

Курснинг вазифалари: Бадиий адабиётнинг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари, ижтимоий онг шакли эканлиги, спецификаси, жараён, ижодий метод ва услубини ўрганиш асносида талабаларнинг адабиётшунослик интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва такомиллаштириш.

Талабаларнинг бадий - эстетик диди ва маънавий камолотини ўстириш.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

Адабиёт назарияси тарихи бўйича чуқур назарий билимга эга бўлиш, бадий асарни эстетик жиҳатдан таҳлил қилиш, уларга адабий-назарий асосда баҳо бериш. Бадий асарларни илмийлик асосида баҳолаш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Мазкур фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги – адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти тарихи, эстетика, миллий психология, фалсафа фанларида ўрганиладиган муаммоларнинг умумийлиги билан бир-бирига боғланган.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, семинар шаклида олиб борилади, шунингдек, фаннинг долзарб масалалари талабаларга мустақил иш сифатида ўзлаштириш учун берилади. Фан замонавий педагогик технологиянинг турли методлари орқали ўтказилади.

Талабаларга фан бўйича билимларни шакллантириш, бадий асарни эстетик нуқтаи назардан таҳлил қилишга доир муайян билимга эга бўлиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Талабаларга “Адабиёт назарияси” фани бўйича билимларни шакллантириш, адабиётшунослик методларини, бадий асар методологик нуқтаи назардан таҳлил қилишга доир муайян билимга эга бўлиш ва уларни амалиётда татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён бевосита адабий-илмий, маънавий-маърифий соҳаларда амалий аҳамият касб этади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

“Адабиётшунослик назарияси” фанини ўзлаштиришда ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги инфорацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, амалий машғулот, семинар машғулотлари шаклида олиб борилади, шунингдек, фаннинг долзарб масалалари магистр талабаларга мустақил таълим сифатида ўзлаштириш учун берилади. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, техник воситалардан фойдаланилади. Маъруза, амалий ва семинар машғулотлари замонавий педагогик технологиянинг илғор методлари орқали ҳамда слайдлар, мультимедиа намоишлари билан ўтказилади.

ОН ни баҳолаш

Оралик назорат “Адабиёт назарияси” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли назарий ва семинар машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. Ўқув йилининг 1-сумустрини 2 та ОН ўтказиш режалаштирилган бўлиб 30 баллдан иборат. ОН назорат ишлари ёзма иш ва тест усулида ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш ва тест саволлари ишчи ўқув дастур асосида тайёрланади. ОН га ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади. ОН ни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилди. ОН бўйича олинган тестлар кафедра мудири раҳбарлигида ташкил этилади ва кафедрада ўқув йилининг охиригача сақланади.

ЯН ни баҳолаш

Якуний назорат “Адабиёт назарияси” фанининг барча мавзуларини қамраб олган бўлиб, назарий ва семинар машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг тест усулида амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари, яъни билим даражаси ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. ЯН назорат ишларининг тест саволлари ишчи ўқув дастури асосида тайёрланади. ОН ва ЖН ларга ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади ва ЯН га киритилмайди. ЯН ни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилди. ЯН бўйича олинган ёзма иш вариантлари кафедра мудири раҳбарлигида тузилади ва деканатларга топширилади.

Тест усулида ЯН ни баҳолаш мезонлари:

ЯН тест шаклида ўтказилади ва талабанинг жавоблари 30 баллик тизимда баҳоланади. Бунда тестга ажратилган 30 балл 30 саволлар сонига бўлиниб, бир саволга қўйилган балл топилади (1 балл) уни тўғри жавоблар сонига кўпайтириб, жами саволлар баҳоланиб талабанинг ЯН да тўплаган баллари аниқланади.